


«ТАСДИҚЛАНГАН»

“O'ZKOJI” aksiyadorlik  
jamiyati O'zbekiston – Koreya qo'shma  
korxonasi aksiyadorlari umumiy  
yig'iliшининг 2017 йил «09»  
июнь даги қарори билан  
(2017 йил «09» июнь даги №22-сонли  
баённома)



“O'ZKOJI” aksiyadorlik jamiyati O'zbekiston – Koreya qo'shma korxonasi  
aksiyadorlarнинг umumiy yig'iliши тўғрисидаги

НИЗОМ  
(янги таҳрири)

Хонобод - 2017 й.

## **МУНДАРИЖА**

- I. Умумий қоидалар.
- II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси.
- III. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарор қабул қилиш тартиби.
- IV. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш тартиби.
- V. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш.
- VI. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар.
- VII. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тартиби.
- VIII. Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми.
- IX. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари.
- X. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби.
- XI. Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси.
- XII. Ахборотни ошкор этиш.
- XIII. Яқуний қоидалар.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу “O’ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati O’zbekiston – Koreya qo’shma korxonasi акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари, бошқа қонун ҳужжатлари ва “O’ZKOJI” АЖ Устави (кейинги ўринларда - Устав) асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом “O’ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati O’zbekiston – Koreya qo’shma korxonasi (кейинги ўринларда - Жамият) акциядорларининг умумий йиғилишининг мақоми, ваколат доираси, тайёрлаш тартиби ва муддати, уни чақириш ва ўтказишни белгилаб беради.

3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. Жамиятнинг, унинг бошқарув органларининг ва мансабдор шахсларининг акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишдаги асосий вазифаларидан бири акциядорларнинг йиғилиш ишида иштирок этиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш, акциядорларга Жамият тўғрисида ўз вақтида ишончли ва тўлиқ ахборот, шу жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибидаги, ҳажми амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом билан белгиланадиган барча масалалар бўйича ахборот тақдим этиш ҳисобланади.

4. Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари барча акциядорларга уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил муносабатни таъминлайди.

5. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойининг иккинчи ярмида жума куни кунда ўтказилади.

7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади, акциядор (акциядорлар)нинг ташаббусига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ҳоллари бундан мустасно.

## **II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТ ДОИРАСИ**

9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамият ижроия органини тузиш, ижроия органи раҳбарини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига, тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш. Кодекснинг муайян тавсияларига риоя этиш имкони мавжуд бўлмаганда, АЖ "comply or explain" (риоя қил ёки тушунтир) халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор этиш;

Жамиятнинг "Ички назорати тўғрисида", "Дивиденд сиёсати тўғрисида", "Манфаатлар тўқнашуви бўйича амалга ошириладиган тадбирлар тартиби тўғрисида"ги Низомларини тасдиқлаш;

ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятига кирувчи битимларни белгилаш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий

йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва нозорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонун ҳужжатларига, Жамият Устави ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиши мумкин.

10. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

11. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият Бош директориға ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

12. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни кўзда тутувчи Жамиятнинг узоқ муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси тасдиқланади.

13. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар мажбурий тартибда кўриб чиқилади:

а) Кузатув кенгашининг ўтган йилда Жамиятни бошқариш бўйича ва Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи;

б) Ижроия органининг Жамиятнинг ўтган йил якунларига кўра молия-хўжалик фаолияти ва Жамиятнинг йиллий (қисқа муддатли) бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи;

в) Жамият Ижроия органининг ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ўрта муддатли ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича ҳисоботлари;

г) Жамият Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш;

д) Жамият ташқи аудиторининг ҳулосасини тасдиқлаш;

е) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

ж) Жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

з) Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;

и) Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;

к) зарур ҳолларда, қонун ҳужжатларига ёки Жамият Уставига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган бошқа масалалар.

14. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги ахборотлар ошкор этилади:

а) Жамият Кузатув кенгаши ва Бош директориға мукофот ва компенсациялари миқдори тўғрисида;

б) соф фойдани, кўзда тутилаётган дивидендлар миқдорини асослаган, уларнинг АЖ дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолаган, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришни тушунтирган ва иқтисодий асослаган ҳолда тақсимлаш.

15. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари, Бош директор, Жамият Тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари, ички аудит хизмати бошлиғи ва Жамият ташқи аудиторининг вакили мажбурий тартибда иштирок этиши зарур.

16. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида, шунингдек Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш бўйича бюллетенларга номзодлари киритилган шахслар ҳам иштирок этишлари зарур.

17. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамиятнинг мансабдор шахсларига корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик чорасини қўллашга ҳақли.

### **III. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИНING ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

18. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар Қонунда, Жамият Уставида ва ушбу Низомда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

19. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Жамият устав фондидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

20. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида Жамиятнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

21. Қуйида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

а) Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

б) Жамиятни қайта ташкил этиш;

в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

д) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

е) Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

ж) Жамият томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш.

22. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас. Агар бирор бир сабабга кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масала бўйича қарор қабул қилинмаса, у ҳолда ушбу масалани кўриб чиқмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

23. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

24. Агар акциядор узрли сабабга кўра Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

#### **IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАРТИБИ**

25. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

26. Жамият акциядорларининг реестрига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.

27. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Кузатув кенгаши аъзолари, Бош директор, Тафтиш комиссияси аъзолари, Ички аудит ва ташқи аудит аъзолари, шунингдек кун тартиби бўйича маърузачи ва таклиф этилган шахслар иштирок этишлари мумкин.

28. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

29. Акциядор Акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

30. Акциядорнинг вакили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома юридик шахснинг фирма бланкида, унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилди (1,2-иловалар).

31. Жамият акциялари ишончли бошқарувга берилган ҳолларда, Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари ишончли бошқарув шартномаси ва ишончнома асосида инвестициявий активларни ишончли бошқарувчининг вакили томонидан амалга оширилади.

32. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

33. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари зарур.

34. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач, амалга оширилади.

35. Жамият акциядори бўлган юридик шахс раҳбари Акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ, ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

36. Акциядор юридик шахснинг вакили Акциядорлар умумий йиғилишида ташкилот раҳбарининг имзоси билан ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси чекилган, ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

37. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларни рўйхатга олиш учун қайд этиш рўйхати тузилади (3-илова).

38. Қайд этиш рўйхати Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим, қайд этиш рўйхати бир варақдан кўп бўлиши ҳолларида эса тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

39. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва бюллетенлар тўпламини оладилар (4,4а-иловалар).

40. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилиши қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетень берилади, қайд этиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «\_\_\_\_\_та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «\_\_\_\_\_» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

41. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

42. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга шахс (шу жумладан, овоз бериш учун ишончнома асосида ҳаракат қилаётган янги вакил) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказилиши лозим ва унга агар вакилни алмаштириш (чақириб олиш) тўғрисидаги билдиришнома ваколатлари тугатилаётган вакил рўйхатдан ўтказилганга қадар Жамият ёки Санок комиссияси томонидан олинган бўлса, овоз бериш бюллетенлари берилиши зарур.

43. Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олиши мумкин бўлмаган акциядорлар учун Жамият электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш воситасида) овоз бериш, шунингдек умумий йиғилишни

видеоконференцалоқа режимда ўтказиш йўли билан – умумий йиғилишда масофавий қатнашиш имкониятини тақдим этади ва шунга шароит яратиб беради.

44. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган акциядор (унинг вакили) ўз ҳисобидан у тўлдирган бюллетень нусхасини берилишини талаб қилишга ҳақли.

Бюллетень нусхаси Жамият Саноқ комиссиясининг раиси имзоси билан тасдиқланади.

## **V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИН ИЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

45. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Қонунга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга шахслар қуйидагиларни белгилайди:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

46. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

47. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

48. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади (5-илова).

49. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

б) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

в) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

г) Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

д) Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар;

е) умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

50. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга):

- а) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;
- б) Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият Тафтиш комиссиясининг ҳулосаси;
- в) Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси;
- г) Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;
- д) Жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;
- е) Жамият Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси, ёки (зарурий ҳолларда) Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси;
- ж) Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидagi масалалар бўйича бошқа материаллар;
- з) Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидagi ҳар бир масала бўйича Кузатув кенгашининг позициясини акс эттирувчи ахборот киради.

51. Ахборот (материаллар) акциядорларга Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин 7 (етти) календарь кундан кечиктирмай, электрон почта орқали юбориш йўли билан тақдим этилади.

## **VI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИНING КУН ТАРТИБИГА ТАКЛИФЛАР**

52. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили туганидан кейин 90 кундан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатиш юзасидан таклиф киритишга ҳақли.

53. Жамият Устаविда белгиланган муддатда акциядорлар томонидан Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги таклифлар келиб тушмаган тақдирда, Кузатув кенгаши мустақил равишда Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар рўйхатини белгилашга ҳақли.

54. Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кундан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли. Бунда Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарни қайта эълон қилиш талаб этилмайди. Бундай ҳолларда номзодлар таркибига ўзгартириш киритиш Кузатув кенгашининг овоз бериш бюллетени тасдиқланадиган қарори билан амалга оширилади.

55. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади (6-илова).

56. Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган

акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

57. Жамият Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 52-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай уларни Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

а) ушбу Низомнинг 52-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

б) акциядорлар (акциядор) жамиятнинг ушбу Низомнинг 52-бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

в) ушбу Низомнинг 55-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

г) таклифлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

58. Жамият Кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослангирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

59. Жамият Кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## **VII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ИТКАЗИШ ТАРТИБИ**

60. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра:

а) унинг ўз ташаббуси асосида;

б) Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби;

в) ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

61. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

62. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак (7-илова).

63. Жамият Кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган Акциядорларнинг навбатдан

ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

64. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

65. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

66. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида Жамият Кузатув кенгаши Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

67. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

а) Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилмаса;

б) кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

в) кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

68. Жамият Кузатув кенгашининг Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

69. Жамият Кузатув кенгашининг Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

70. Жамият Кузатув кенгаши 10 (ўн) кун муддат ичида Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда Акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

71. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Қонунга мувофиқ шундай ҳуқуққа эга акциядор (акциядорлар) томонидан чақирилаётган тақдирда, акциядор (акциядорлар) ўз қарорини ёзма шаклда расмийлаштиради. Қарорда акциядорнинг (акциядорларнинг) номи (Ф.И.Ш.), акциядорнинг ваколатли мансабдор шахси (юридик шахслар учун), акциядорга тегишли овоз берувчи акцияларнинг сони кўрсатилиши зарур. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу Низомнинг 45-бандида

кўрсатилган масалалар белгиланади. Бундай ҳолларда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядор (акциядорлар) томонидан ушбу Низомнинг V бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда:

а) Жамиятнинг расмий веб-сайтида Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарни жойлаштириш Бошқарув томонидан акциядор (акциядорлар)нинг хабар жойлаштириш тўғрисидаги ёзма талаби асосида амалга оширилади;

б) Жамият акциялари эгалари реестрини шакллантириш топшириқномаси Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсида бевосита акциядор (акциядорлар) томонидан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (депо ҳисобварағининг кўчирмаси, акциядорнинг ёки унинг вакилининг паспорт нусхаси, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги ёзма талабнинг олинганлиги тўғрисида қайд қилинган нусхаси, мавжуд бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг қарори нусхаси, ёки Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги хат) тақдим этилган ҳолда, расмийлаштирилади.

## **VIII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ**

72. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

73. Агар имтиёзли акциялар кун тартибининг фақат битта ёки бир нечта масалалари бўйича овоз берса, йиғилиш кворуми тақдим этилган оддий акциялар сонига қараб белгиланади, кўрсатилган масалалар бўйича овозларни санаш эса овоз берувчи оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

74. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

75. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

76. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Низомнинг 48-бандида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

77. Кворум бўлмаганлиги сабабли Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## **IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ИШЧИ ОРГАНЛАРИ**

78. Умумий йиғилишнинг ишчи органларини тузишдан асосий мақсад – акциядорларнинг йиғилишдаги иштироки, уни ўтказиш жараёнида, кун тартибидаги масалаларнинг муҳокамаси ва улар бўйича овоз беришдаги ўз ҳуқуқларини амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

79. Қуйидагилар Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари ҳисобланади: Раёсат, Раис ва йиғилиш котиби, Саноқ комиссияси.

80. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири ёки йиғилишни чақирган шахс олиб боради.

81. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси Акциядорларнинг умумий йиғилиши Раёсатига бошчилик қилади, Акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб ва унинг ишини тугаганлигини эълон қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини зарур тартибда бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси акциядорларнинг умумий йиғилишини аудио ва видеога ёзиб олинишини ва интернет тармоғида трансляция қилинишига рухсат бериши мумкин.

82. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

83. Овозларни санаб чиқиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

84. Саноқ комиссиясининг таркиби камида 3 (уч) кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, Жамият Бошқаруви аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

85. Саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертлар(инвестиция маслаҳатчиси ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари) жалб этилиши мумкин.

Жамиятнинг саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш учун мустақил эксперт жалб этилган тақдирда, Жамият Бош директори қарор қабул қилади.

Жамиятнинг саноқ комиссиясининг бевосита функциясини бажариш учун мустақил эксперт жалб этилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгаши қарор қабул қилади.

Жамият мустақил эксперт билан, шартнома билан унга юклатилган мажбуриятларни зарур даражада бажармаганлик учун мустақил экспертнинг жавобгарлиги кўзда тутилган тегишли шартнома тузади.

86. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

87. Овоз беришда овоз берувчи томонидан "ёқлайман", "қаршиман" ёки "бетарафман" деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантларининг фақат биттаси кўрсатилган масалалар бўйича овозлар ҳисобга олинади (бундан овоз беришга қўйилган масалага "ёқлайман" деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно).

Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

88. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан ушбу Низомнинг 86-бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилшига сабаб бўлмайди.

Акциядор Акциядорларнинг умумий йиғилишида масофадан туриб қатнашган тақдирда, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон бюллетенлар Жамият электрон почтасининг расмий манзилига Акциядорларнинг умумий йиғилиши тугагунга қадар юборилиши зарур.

89. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан санок комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш пайтида Санок комиссиясининг бир ёки бир неча аъзоси ҳозир бўлмаганлиги ҳолларида, Жамият Кузатув кенгаши Санок комиссияси таркибига янги аъзо номзодини киритади ёки Акциядорларнинг тегишли (йиллик ёки навбатдан ташқари) умумий йиғилиши томонидан кейинчалик тасдиқлаш йўли билан Санок комиссиясини тузади.

90. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида Санок комиссияси Кузатув кенгашининг (ёки йиғилишни чақираётган шахсларнинг) топшириғига кўра қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларни қайд этиш рўйхатини тузади;

б) Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларини тайёрлайди.

91. Акциядорлар умумий йиғилишида Санок комиссияси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиш;

б) ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

в) овоз бериш бюллетенларини беради ва берилган бюллетенларнинг ҳисобини юритади, шунингдек акциядорларга Умумий йиғилишнинг бошқа ахборот(материаллар)ини беради.

92. Санок комиссияси:

а) Акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди;

б) Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;

в) овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

г) овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;

д) овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради

е) овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;

ж) Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашган шахснинг тўлдирилган бюллетени нусхасини тасдиқлайди;

з) овоз бериш бюллетенларини Жамиятнинг архивига топширади.

93. Жамият Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилиши Котиби номзодини кўрсатади.

94. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Котиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

95. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Котиби:

а) Акциядорлар умумий йиғилишининг бориши баёнини юритади;

б) ёзма буюртмалар бўйича йиғилиш кун тартибидаги масалалар муҳокамасида қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;

в) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини 10 (ўн) кундан кечиктирмай 2 (икки) нусхада тузади.

#### **Х. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ**

96. Акциядорларнинг умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш яқунлангандан кейин Жамият Кузатув кенгаши раиси (у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири ёки йиғилишни чақирган шахс) Саноқ комиссиясига Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун келган акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатга олиш натижаларини маълум қилишни таклиф этади.

Йиғилиш кворумга эга бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши раиси (у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири ёки йиғилишни чақирган шахс) Акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилади.

97. Акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида овоз бериш тартиби тасдиқланади.

Овоз бериш тартибини ва Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби (регламенти)ни тасдиқлаш, умумий йиғилишнинг ишчи органлари – Раис ва йиғилиш котибини ва Саноқ комиссиясини сайлаш қўл кўтариш (очиқ овоз бериш) орқали билан амалга оширилади. Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш бюллетенлар (яширин овоз бериш) орқали амалга оширилади.

98. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби (регламенти) Акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида тасдиқланади.

99. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби (регламенти) йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, маърузалар, муҳокамалар ва танаффуслар қанча давом этиши, кун тартибидаги масалаларининг давомийлигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутаяди.

100. Йиғилиш давомида юзага келувчи масалаларни йиғилиш раиси муҳокама қилинаётган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилишида бош тамойилдан: ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, яққабозчилик билан ҳал этади.

101. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши котибига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма буюртма берадилар.

102. Кузатув кенгаши раиси (у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири ёки йиғилишни чақирган шахс)

Акциядорлар умумий йиғилишининг Раёсатини, Раис ва Котибни сайлашни ва Саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлашни таклиф этади.

103. Ишчи органлар сайлангандан кейин йиғилиш Раиси йиғилиш кун тартибини эълон қилади. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачиларни эшитади ва акциядорлар (уларнинг вакиллари) масалалар муҳокамасида иштирок этишади.

104. Кун тартибининг барча масалалари кўриб чиқилгандан, қарорлар қабул қилингандан кейин Саноқ комиссияси аъзолари бюллетенларни йиғишади ва овоз бериш натижаларини ҳисобга олишни амалга оширишади.

105. Овоз бериш натижалари яқунлангандан кейин Саноқ комиссияси овоз бериш натижаларини ва Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича қабул қилинган қарорларни эълон қилади.

106. Саноқ комиссияси овоз бериш натижаларини ва қабул қилинган қарорларни маълум қилгандан кейин йиғилиш Раиси Акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

## **XI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ**

107. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

Умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби;

Саноқ комиссиясининг таркиби;

йиғилиш кун тартиби;

маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар, овоз бериш яқунлари ва йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилади.

108. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай 2 (икки) нусхада тузилади. Ҳар икки нусха умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

109. Саноқ комиссиясининг баённомаси йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига тикиб қўйилиши зарур.

110. Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан кейин Саноқ комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан Умумий йиғилишнинг қайд этиш рўйхатини, Саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланган ва муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомаларни ва Акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини сақлаш учун Жамият архивига топширади.

111. Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси имзоланган куни Жамият Ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

112. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари Қонунда назарда тутилган тартиб ва муддатларда акциядорлар эътиборига етказилади.

## **XII. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ**

113. Жамиятнинг корпоратив сайтида Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, шу жумладан:

- а) «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом», шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;
- б) Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари;
- в) Кузатув кенгашининг Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисоботлари;
- г) қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа ахборотлар.

### ХIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

114. Жамият Ижроия органи ва Кузатув кенгаши ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларни бажаришни ташкил қилади, Умумий йиғилиш қарори ва баённомасида ўзгача ҳолат қайд этилганлиги ҳоллари бундан мустасно.

115. Жамият Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

116. Ушбу Низомнинг талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

117. Ушбу Низом Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради. Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Низомни тасдиқлаш бўйича қарори умумий йиғилишда ҳозир бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

118. Ушбу Низомга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилишининг умумий йиғилишда ҳозир бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига асосан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

119. Агар ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.

“О‘ЗКОЇ” АЖ ҚК  
Бош директори



Абдурахмонов Б.К.

## ИШОНЧНОМА

Мен, \_\_\_\_\_

“O‘ZKOJI” AJ QKнинг \_\_\_\_\_ та оддий акцияларига (ва \_\_\_\_\_ та имтиёзли акцияларига эгаллик қилувчи) менга тегишли барча акциялар билан овоз беришда акциядорлар йиғилишида менинг манфаатларимни ифодалаш учун \_\_\_\_\_ га ишонч билдираман.

Менинг манзилим:

Вакилнинг манзили:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Паспорт

серия \_\_\_\_\_

N \_\_\_\_\_

Паспорт

серия \_\_\_\_\_

N \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

берилган \_\_\_\_\_

берилган \_\_\_\_\_

Ишончнома \_\_ йил \_\_\_\_\_ дан \_\_ йил гача ҳақиқийдир

Акциядорнинг имзоси \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Акциядорнинг шахсий имзосини тасдиқлайман.

Нотариус \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

М.Ў.

## ИШОНЧНОМА

Мен, \_\_\_\_\_ “O'ZKOJI”  
 AJ QK нинг акциядори ҳисобланувчи, \_\_\_\_\_ та оддий акцияга (ва \_\_\_\_\_ та имтиёзли  
 акцияга) эгаллик қилувчи \_\_\_\_\_ нинг  
 раҳбари (директори, раиси) \_\_\_\_\_  
 (юридик шахсинг номи)

\_\_\_\_\_ фуқаро \_\_\_\_\_ га  
 акциядорлар йиғилишида барча тегишли акциялар билан \_\_\_\_\_ нинг  
 манфаатларини (юридик шахс номи) ифодалашга ишонч билдираман.

Акциядорнинг манзили:

Вакилнинг манзили:

_____	_____
_____	_____
_____	_____

Банк реквизитлари:

Паспорт  
серия \_\_\_\_\_ N \_\_\_\_\_

_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ гача амал қилади.

Раҳбарнинг имзоси \_\_\_\_\_ Сана \_\_\_\_\_

М.Ў.

“O'ZKOJI” AJ QK акциядорларининг  
 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да ўтказиладиган навбатдаги (навбатдан ташқари)  
 Умумий йиғилишининг  
**ҚАЙД ҚИЛИШ РЎЙХАТИ**

№	Акциядор фамилияс и, исми, отасининг исми (номи)	Овоз берувч и акциял ар сони	Акциядо р имзоси	(вакил бор бўлса, тўлдирилади)				
				Вакил фамилияс и, исми, отасининг исми (номи)	Ишончн ома рақами	Ишончн ома берилга н сана	Овоз берувчи акцияла р сони	Вакил имзоси
	2	3	4	5	6	7	8	9

Умумий миқдори \_\_\_\_\_ дона овоз берувчи акцияларга эгаллик қилувчи  
 Умумий йиғилишнинг барча рўйхатдан ўтказилган қатнашчилари киши \_\_\_\_\_.

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акцияларнинг умумий сонидан фоизларда)  
 \_\_\_\_\_%.

Саноқ комиссияси аъзолари: \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

(имзо)

\_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

(имзо)

\_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

(имзо)

“O‘ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati O‘zbekiston – Koreya qo‘shma korxonasi  
 aksiyadorlarining \_\_\_\_\_ 20\_\_\_\_yil \_\_\_\_\_ kuni  
 soat \_\_:\_\_ ўtkaziladigan (yigiliш ўtkazilaytgan manzil)

navbatdagi (navbatdan tashqari) Uмумий yigiliшida \_\_\_\_\_ dona ovoz  
 beruvchi aksiyalariga egalik qiluvchi

\_\_\_\_\_ning

*Юридик шахс акциядорнинг тўлиқ номи (жисмоний шахс акциядорнинг  
 Ф.И.Ш.)*

\_\_\_\_\_ \*-сонли ovoz бериш

### БЮЛЛЕТЕНИ

№	Кун тартибдаги масаланинг таърифи	Ўқлайман	Қаршима Н	Бетарафма Н

Фамилияси, исми ва шарифи \_\_\_\_\_

(имзо)

\* Қайд қилиш рўйхати бўйича акциядорнинг рақами кўрсатилади

“O’ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati O’zbekiston – Koreya qo’shma korxonasi  
 акциядорларининг \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ куни  
 соат \_\_:\_\_ ўтказиладиган (йиғилиш ўтказилаётган манзил)

навбатдаги (навбатдан ташқари) Умумий йиғилишида \_\_\_\_\_ дона овоз  
 берувчи \_\_\_\_\_ акцияларига \_\_\_\_\_ эгаллик \_\_\_\_\_ қилувчи  
 \_\_\_\_\_ нинг Кузатув кенгаши

аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш учун

*Юридик шахс акциядорнинг тўлиқ номи (жисмоний шахс акциядорнинг*

*Ф.И.Ш.)*

\_\_\_\_\_ \*-сонли

### БЮЛЛЕТЕНИ

№ т/р	Номзод тўғрисида маълумот	«Ёқлайман» Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларга берилган овозлар сони кўрсатилади
<b>“O’ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati O’zbekiston – Koreya qo’shma korxonasi Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш</b>		
<b>НОМЗОДЛАР:</b>		

Фамилияси, исми ва шарифи \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

“O’ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati O’zbekiston – Koreya qo’shma korxonasi  
акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилиши ўтказилиши  
тўғрисида

**ХАБАРНОМА**

Ҳурматли \_\_\_\_\_,

\_\_\_\_\_ манзилида жойлашган, “O’ZKOJI”  
aksiyadorlikjamiyati O’zbekiston – Koreya qo’shma korxonasi, телефон: \_\_\_\_\_,  
Сизга 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_:\_\_\_\_ минутда  
\_\_\_\_\_ манзилида акциядорлик жамиятимиз  
акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) йиғилиши бўлиши ҳақида маълум  
қилади.

Йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга  
акциядорлар рўйхати 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига шакллантирилган  
акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 20\_\_ йил  
«\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат соат \_\_\_\_:\_\_\_\_ минутда бошланиб соат \_\_\_\_:\_\_\_\_ минутгача  
давом этади.

Сизга йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги  
масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида  
Сиз акциядорлар умумий йиғилишининг қуйидаги материаллари билан  
танишишингиз мумкин:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт,  
акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига  
мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахслар учун – нотариал  
тасдиқланган, юридик шахслар учун – ушбу юридик шахс томонидан берилган) билан  
келишлари сўралади.

“O’ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati O’zbekiston –  
Koreya qo’shma korxonasi Кузатув кенгаши.

“O‘ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati  
O‘zbekiston – Koreya qo‘shma  
korxonasi

Акциядор \_\_\_\_\_нинг Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига  
масалани киритиш тўғрисидаги

**ТАКЛИФИ**

Эгалик қилаётган акциялар сони:

оддий \_\_\_\_\_ дона

имтиёзли \_\_\_\_\_ дона.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилиши лозим бўлган  
масаланинг таърифи (уни қўйиш сабабларини кўрсатган ҳолда):

---

---

---

---

---

Кузатув кенгаши аъзолигига киритилаётган номзодлар (Ф.И.Ш, иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли типларига ажратган ҳолда АЖ акциялари сони):

---

---

---

---

Тафтиш комиссияси аъзолигига киритилаётган номзодлар (Ф.И.Ш, иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли типларига ажратган ҳолда АЖ акциялари сони):

---

---

---

---

Ижроия орган аъзолигига киритилаётган номзодлар (Ф.И.Ш, иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли типларига ажратган ҳолда АЖ акциялари сони):

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзо, сана)

“O‘ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati  
O‘zbekiston – Koreya qo‘shma  
korxonasi

Акциядор \_\_\_\_\_нинг акциядорларнинг навбатдан ташқари  
умумий йиғилишини чақириш ҳақидаги

**ТАЛАБИ**

Навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган шахс  
Ф.И.Ш. (номи): \_\_\_\_\_(тафтиш комиссияси томонидан  
талаб киритилаётган тақдирда ҳам ушбу графада бу тўғрисида кўрсатилади)

Эгалик қилаётган акциялар сони (акциядор томонидан талаб киритилган  
тақдирда тўлдирилади):

оддий \_\_\_\_\_дона  
имтиёзли \_\_\_\_\_дона.

Талабнинг мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши  
чақирилишининг сабаби таърифи):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилиши лозим бўлган  
масаланинг таърифи (уни қўйиш сабабларини кўрсатган ҳолда):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Кузатув кенгаши аъзолигига киритилаётган номзодлар (Ф.И.Ш, иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли типларига ажратган ҳолда АЖ акциялари сони):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзо, сана)

*Abduraxmonov B.K.*  
Тикилди ва рақамланди

Баш директор:

Абдурахмонов Б.К.

